



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Архитектура ва қурилиш соҳасини бошқаришнинг самарали механизмларининг жорий этиш ҳудудларининг замонавий қиёфасини шакллантириш, ҳаёт ва тадбиркорлик учун қўлай шарт-шароитларни яратишга қаратилган шаҳарсозлик фаолиятини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришнинг муҳим шарт ҳисобланади.

Шу билан бирга, таҳлиллар қурилиш соҳасида давлат бошқарувини ташкил этишда замонавий шаҳарсозлик услублари, нормалари ва қоидаларини кенг жорий қилишга, рақобатни ривожлантиришга, янги субъектларнинг инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар билан бозорга кириб келишига тўқсинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммоларни очиб берди. Хусусан:

биринчидан, шаҳарсозлик фаолияти, лоиҳа ва пудрат хизматлари бозори, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг ҳолати ҳамда ривожланиш тенденциялари комплекс таҳлил қилинмаган, оқибатда ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантиришнинг ўрта муддатли ва истиқболли йўналишлари белгиланмаган;

иккинчидан, архитектура ва қурилиш органларининг ташкилий-штар тузилмаси қурилиш ва реконструкция жараёнларини тўлиқ кузатиб боришни таъминлаш, шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари сифатини самарали назорат қилиш учун мавжуд ресурсларни сафарбар этишга имкон бермапти;

учинчидан, архитектура ва қурилиш органлари функцияларининг тарқоқлиги ҳамда улар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражасининг пастлиги шаҳарсозлик соҳасида давлат хизматларини кўрсатишнинг максимал шаффофлиги ва самардорлигини таъминламапти;

тўртинчидан, кўпчилик аҳоли пунктларининг бош режалари мавҳуд эмаслиги ҳудудларни комплекс қуришга, ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектларини жойлаштиришга, тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда, шунингдек, қурилиш жараёнида пухта ўйланмаган қарорларни қабул қилишга сабаб бўлмоқда;

бешинчидан, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар анча эскирган ҳамда уларда архитектура-қурилиш ишларини олиб боришнинг инновацион услубларини, энергия самардор ва энергия тежайдиган технологияларни кенг қўллаш эътиборга олинмаган, бу эса лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва объектларни қуриш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда;

олтинчидан, қурилиш ишларини ташкил этиш, инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий қилишда айрим ҳолларда тор идоравий манфаатнинг устунлик қилиши бюджет маблағларидан оқилона фойдаланмаслигининг сабабларидан бири ҳисобланади;

еттинчидан, қурилиш соҳаси ва қурилиш материаллари саноатида истиқболли инвестицион лойиҳаларни, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни илгари суриш ва амалга оширишда, шунингдек, инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун инфратузилмани такомиллаштиришда давлат-хусусий шериклигидан фойдаланишга етарлича эътибор берилмапти;

саккизинчидан, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими архитектура-қурилиш соҳасини жадал ривожлантириш вазифаларини самарали рўёбга чиқаришга имкон бермапти, кадрларни моддий рағбатлантириш даражасининг пастлиги эса малакали мутахассисларнинг тизимдан кетиб қолишига олиб келмоқда.

Архитектура-қурилиш соҳасини бошқаришнинг шаҳарсозлик фаолиятига инновацион ғоялар, ишланмалар ва илгор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш имконини берувчи замонавий тизимни яратиш, кўрсатилган хизматларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ:

1. Куйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси негизда **Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги** (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади); Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳамда Таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси базасида **Вазирлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** ташкил этилсин.

2. Куйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси **Вазирлик ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси**; Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика маркази **Қурилишда стандартлаштириш республика маркази** этиб қайта ташкил қилинсин.

3. Куйидагилар: қурилиш соҳасида тегишли фаолият турларини лицензиялаш функциясини Вазирликка ўтказган ҳолда **Қурилиш соҳасида ишловчи мониторинг ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси**;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги **Шаҳарсозлик фаолиятини ахборот билан таъминлаш маркази**;

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БУЮК АДИБ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айна пайтда, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди.

Чингиз Айтматов минтақамиз тинч-ният вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва жамоатчилик вакилларининг буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги қарарни қўллаганини эълон қиламиз.

Ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ Марказ томонидан уюштирилган «Ўзбек иши», «пахта иши» каби ноҳақ сиёсий кампаниялар чоғида Чингиз Айтматовнинг адолат ва ҳақиқат қўйиши сифатида халқимизнинг шаъни ва обрў-эътиборини катта минбарлардан туриб мардона ҳимоя қилганини эл-юртимиз ҳаммиш миннатдорлик билан эслайди. Бетақдор ижодкорнинг давлатимиз томонидан «Дўстлик» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан тақдирлангани ҳам шундан далолат беради.

Атоқли адиб ўзбек адабиёти ва санъатининг йирик намоёндалари билан яқин дўст ва ижодий ҳамкор бўлган эди адибларимиз учун юксак ибрат намунаси.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар тарихида янги давр бошланган ҳозирги пайтда Чингиз Айтматовнинг ўлмас бадиий мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг гуманизм ва зғулик ғояларини, миллий ва умумбашарий қадриятлар, турли миллатлар ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган баркамол асарлари мамлакатимизда миллионлаб ҳусналарда нашр этилмоқда. Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилган «Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон» доимий экспозицияси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзининг ноёб истеъдоди ва жўшқин ижтимоий фаолияти билан халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни, адабий-маданий алоқаларимизни ривожлантириш ишига қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 90 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва жамоатчилик вакилларининг буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги қарарни қўллаганини эълон қиламиз.

2. Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда Ташкилий қўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита бир ой муддатда Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ўшбу чора-тадбирлар режасида: «Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон» номли хотира китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

ёзувчи асарлари асосида янги спектакль сахналаштириш ва бадиий фильм суратга олиш;

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 апрель

Ш.МИРЗИЁЕВ

ҚОЗОГИСТОНДА ЎЗБЕКISTON ЙИЛИ

ҚАРДОШ ҚАРДОШИГА ҚУЧОҚ ОЧМОҚДА

26-28 март кунлари ўзбекистонлик бир гуруҳ ижодкорлар Жанубий

Қозоғистон вилоятида бўлишди

Бугун ён-атрофимиздаги қўшни халқлар, давлатлар билан қон-қардошлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётгани ҳақида сўз юритар эканмиз, бир ҳақиқатни барчамиз яқдиллик билан тан оламиз: ўзаро муносабатларимиз тарихида, ҳеч шубҳасиз, янги, ёрқин саҳифа очилмоқда. Қалбимизга беҳад ғурур ва ифтихор бағишлайдиган жиҳати шундаки, Марказий Осиё давлатлари ўртасида мана шундай ўзаро ишонч ва самимиятга асосланган дўстона ҳамкорлик алоқаларининг ривожидида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асосий ташаббускор бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Президентлари ўртасидаги келишувга мувофиқ 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан бепоён қозоқ дёрида кўпга тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Уларнинг барчаси икки қардош халқни бир-бирига янада яқинлаштириш, хозирги мураккаб дунёда дўстлик ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилгани билан ғоят аҳамиятлидир.

Ўзбек ва қозоқ дили — дилига, тили — тилига, ўтмиши — ўтмишига, келажаги — келажагига пайваст халқлар десак, ҳеч қандай муболага бўлмайдими. Азал-азалдан ота-боболаримиз ҳамдаму ҳамнафас, елкадош бўлиб, ўзаро қўда-анда, дўсту қардош бўлиб яшаб келганлари ҳақида қанча шеърлар, дoston газаллар битилган. «Қозоғим — қардошим», «Ўзбегим — ўз оғам», «Йўлдошим қозоқ бўлса, йўлдан ашамайсан» деган иборалар ўз-ўзидан

пайдо бўлмаган. Уларнинг барчаси асрлар синовидан ўтган қардошлиқнинг қалбларимизга муҳрланган ифодасидир. Икки халқнинг атоқли шоирлари — Ғафур Ғулom ва Собит Муқанов бу қардошлиқни доимо улуглаб келган. Бу ҳақда ўйлаганда Ғафур Ғулomнинг дўстлик ҳақидаги қайноқ сатрлари ёдга тушади.

Улуг тўйинг, қувонаман,
Йўлбарсдай гуркирайман.
Қорабайр ёлларини
Пойғаларда тарайман,
Мақтанмайман, чин айтганда,
Бир чамалаб қарайман.
Айтишувда Собит билан
Тортишувга ярайман.
Ўзбек элининг донг қозонган,
Манандай оқиниман,
Жон қозоқнинг оқинларин,
Дўстиман, яқиниман.

4



ПАРИЖЛИКЛАР САМАРҚАНДА ЙИГИЛИШ ЎТКАЗДИ

Франциянинг Париж шаҳридаги туристик компаниялар ассоциацияси (Ile de France) аъзолари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг махсус рейси орқали Самарқандга келди.

Жорий йил 22 февраль куни Президентимиз раислигида мамлакатимизда туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар асосида Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонаси Париждаги туристик компаниялар ассоциацияси билан ҳамкорликда ассоциациянинг навбатдаги йиллик йиғилишини Самарқанд шаҳрида ўтказиш бўйича келишувга эришган эди. Ўшбу келишув асосида Париждаги туристик компанияларнинг 100 нафардан ортиқ раҳбар ва масъул ходимларининг юртимизга ташрифи уюштирилди.

31 март куни Самарқанд халқро аэропортида меҳмонларни Самарқанд шаҳар ҳокими Ф.Раҳимов бошчилигидаги расмийлар тантанали кутиб олди.

Шаҳар ҳокими меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлаб, ассоциациянинг навбатдаги йиғилиши Самарқандда ўтказилиши учун барча имкониятлар яратилганини таъкидлади. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ва шаҳардаги сайёҳлик фирмалари Париж шаҳри билан туризм соҳасида ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирди.

Ile de France ассоциацияси президенти Лионел де Робие Франциядаги сайёҳлик компанияларининг Ўзбекистонга мазкур ташрифи давлатларимиз ўртасида туризм соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва бу борада янги истиқболлар очишга хизмат қилишини қайд этди. Кутиб олиш маросими юқори савияда ташкил этилгани учун миннатдорлик билдирди.

— Самарқанд қадимий Буюк ипак йўлининг маркази, мўъжизавий шаҳар, — дейди Лионел де Робие. — Бу шаҳарга келиш ва унинг гўзаллигидан баҳраманд бўлишни ҳар бир француз орзу қилади. Шунинг учун бугун Самарқандга Франциядаги энг йирик сайёҳлик компаниялари вакиллари ташриф буюриб, бу ердаги туризм индустрияси иштирокчилари билан ҳамкорлик қилиш ниятида. Ассоциациямизнинг навбатдаги йиғилишини ушбу тарихий шаҳарда ўтказиш эса биз учун улкан шараф.

«Registon plaza» меҳмонхонасида ассоциациянинг йиғилиши ўтказилиши баробарида, Самарқанд шаҳридаги туристик объектларга саёҳат, Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг туризм имкониятлари бўйича тақдиротлари, маҳаллий туристик фирма ва компаниялар вакилларининг француз ҳамкасблари билан учрашувлари ташкил этилди.

Меҳмонлар туристик объектлар билан танишиш мақсадида 2 апрель куни Бухоро шаҳрига жўнаб кетди.

Ф.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

МУНОСАБАТ

ҚИШЛОҚҚА ЯНГИ ҲАЁТ КЕЛДИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан «Обод қишлоқ» дастури асосида Жиззах вилояти Дўстлик тумани «Манас» қишлоқ фуқаролар йиғинида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари ҳақида одамлар шундай дейишмоқда.

Қизилой АБДУРАҲМОНОВА, пенсионер: — Манас маҳалласи ташкил этилганига олти йил бўляпти. Шу вақтгача бу ерда ҳеч қачон бугунгидек одамлар ҳаётини ўзгартиришга қаратилган янгилик бўлмаганди. Қўчалар қишда лой, ёзда чанг-тупроқ эди, фарзандларимиз қиш ойларида мактабга қатнашга қийналарди. Уйлар томидаги шиферлар синиб, қорайиб кетганди. Ҳовли-жойлар атрофига турли ҳўжалик иморатлари бетартиб қуриб ташланганди. Қўчалар кўримсиз, файзсиз эди, бу ерга келган одамга ўтган асрнинг 60-70-йиллари тасаввурини беради. Шаҳарга ёки обод қишлоқлардаги қариндошлариникига қидириб борсак, у ерлардаги ўзгаришларга ҳавасимиз келарди, қанийди, бизнинг маҳалламиз ҳам шундай чиройли бўлсайди, деб орзу қилардик.

► Давоми 2-бетда.

СОЛИҚ ИСЛОҲОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги мамлакатимиз солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқиб, жамоатчилик муҳокамасига тақдим этди.

«Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган лойиҳа тақдиротида солиқ соҳаси экспертлари, ишбилармонлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, халқаро молиявий институтлар ҳамда дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

— Барчамиз солиқ тўловчиларимиз. Шунга биноан, бугунги муҳокама бевосита барчамизга тегишли бўлади. Ҳар биримизнинг ойлик маошларимиздан ушлаб қолинаётган, тадбиркорларнинг даромадларидан оли-

шу саволга жавоб топишга уриниб кўрдик.

Муҳокама давомиди солиққа тортишнинг амалдаги усуллари ва келиб чиқарилган муаммолар, бугунги замон талаблари, илғор ғоялар, мақсад ва вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимиздаги солиқ тизими ва маъмуричилиги бозор иқтисодиёти таъминотидаги жавоб бермайдиган.

Айниқса, бизнес соҳасида катта солиқ юки сақланиб қоляпти. Солиқларнинг кўпчилиги, солиққа тортиш тартиб-таомилларининг мурраккаблиги иқтисодий ўсишга рақобатбардошлик ривожига монелик қилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, ҳозир мамлакатимизда 19 турдаги солиқлар амал қилади, кўпдан-кўп ривожланган давлатларда эса бу кўрсаткич аттиги 6-7 тани ташкил этади.

Ҳозир кичик бизнес субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига қўшаётган ҳиссаси 50 фоиздан ортиқ, бироқ унинг солиқ тушумидаги улуши 7 фоиздан бир оз кўп, холос. Солиқнинг юқори даражаси ва қўшимча қиймат солиғини (ҚҚС) ундириш тизими солиқ тўловчиларнинг айланма маблағлари тортилишига, истеъмол маҳсулотлари нархларининг қимматлашишига олиб келиб, йирик ва кичик бизнес ўртасида



ЎЗБЕКИСТОНДА 20 ГА ЯҚИН СОЛИҚ ТУРИ БОР, ривожланган мамлакатларда эса бор-йўғи 6-7 та...



наётган солиқ пуллари нимага сарфланаётганини билдириш ҳаққимиз бор, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори ўринбосари Гўзал Исмолова**. — Солиқ концепциясининг негизида мамлакат рақобатбардошлигини кўтариш ётибди. Глобаллашув жараёнида ҳар бир давлат меҳнат ва иқтисодий заҳиралар учун курашмоқда. Ўзбекистон катта заҳирага, «улкан табиий бойликлар ва инсон ресурсларига эга бўлишига қарамай, мамлакатимизнинг глобал сармоа бозорига рақобатбардошлиги ҳақида сўз кетганда, маълум бўладики, инвесторларга бизнинг мамлакатимизга келиш қизик эмас. Улар бизга пул тикишни хоҳламайди. Нима учун? Биз солиқ концепциясини ишлаб чиқишда айна

Ташкилот раҳбари қўл остида ишлаётган ходимга маош бериш учун тўланадиган солиқ, ҳамма ижтимоий тўловлар билан қўшиб ҳисоблаганда, 55 фоиздан ошади.

кооперациянинг ўсиш суръатига тўққонлик қилмоқда...

Ўзбекистонда ишга яроқли аҳоли сони ўн уч миллиондан кўпроқ. Маълумотларга кўра, уларнинг 5,7 миллион нафари иш билан банд ва даромад солиғи тўлайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, савдо ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш корхоналари текширилганда, ходимлар сони камайтириб кўрсатилиши каби ҳоллар ойдinлашган. Яъни, 20 та ходим солиқ тўлаб ишлаётган бўлса, 60-80 нафари норас-

мий тарзда ишлаб, солиқдан яширилган.

— Биз бу масалада тадбиркорларни айблагга ҳақли эмасмиз, — дейди **Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Бехзод Мусаев**. — Нимага десангиз, ташкилот раҳбари қўл остида ишлаётган ходимга маош бериш учун тўланадиган солиқ, ҳамма ижтимоий тўловлар билан қўшиб ҳисоблаганда, 55 фоиздан ошади. Аксариyat инвесторлар Ўзбекистонда солиқ қўнунчилиги соғлом рақобатни, очик-ошкораликни, солиқ юкининг мақбул миқдорини ва инвесторлар ҳуқуқини ҳимоялашни таъминлай олмаётган, деган фикрда.

Янги ишлаб чиқилган Концепция лойиҳасида солиқ қўнунчилигини содда-лаштириш, меъёрий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш, солиқ тўловчилар манфаатини ҳимоя қилиш, тадбиркорларга солиқ босимини енгиллаштириш, катта ва кичик корхоналар орасида



солиқ миқдоридида тафовутга барҳам бериш каби давр талабига ҳамоҳанг ёндашувлар илғари сурилган.

Тенг рақобат муҳитини яратиш мақсадида шахсий солиқ ва боғхона ишхўрларини бериш қатъиян таққиланиши режалаштирилган. Солиқ ҳисоботлари соддалаштирилди, шунингдек, қўшимча қиймат солиғи 20 фоиздан 12 фоизга туширилди. Лекин, шу билан бирга, айланма маблағ

миқдори 1 млрд сўмдан кўп бўлган барча солиқ тўловчи уни тўлаши лозим бўлади.

Жисмоний шахслар даромад солиғи, фуқароларнинг ягона ижтимоий тўловлар ва сугурта бадалларини Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағғармасига солиққа тортиш 25 фоизли текис шкаладаги ставка бўйича яқка тартибдаги жисмоний шахслар даромад солиғи сифатида бириктириш кўзда тутилган.

Шунингдек, юридик шахсларнинг мулк солиғи бўйича солиқ юки босқичма-босқич камайтирилади. Бир сўз билан айтганда, Концепция лойиҳасида солиқ тизимини тўдан қайта қўриб чиқиш ва ислоҳ қилишга оид таққиллар ўрин олган.

Ушбу лойиҳа тўрт қисмдан иборат бўлиб, жамоатчилик муҳокамаси якунлари бўйича уни янада таққиллаштириш кўтилмоқда.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЖАВОБ:

— Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қўмитанинг ҳудудий бўлимлари томонидан савдога чиқарилаётган гўшт ва сут маҳсулотларини ҳар кунлик қатъий назорати йўлга қўйилган. Агарда тадбиркор сифатсиз маҳсулотни савдога чиқарганилиги текшириш жараёнида аниқланса, унга нисбатан қўнунда белгиланган тартибда чора кўрилиб, тегишли ташкилотлар хабардор қилинади ва савдодан маҳсулоти олинадиган. Мутахассис сифатида бир фикрни айтиб ўтмоқчиман. Ҳар кун ҳоҳлаётганимиз йўқми, гўшт, сут ва тухум маҳсулотларини истеъмол қиламиз. Сут 60 даражада пишиди. Шу боисдан уни 2 ёки 3 марта қайта пишириб, истеъмол қилинса, ундаги турли хил вируслар ўлади ва ҳеч қандай хавотирга ўрин қолмайди. Тухумни ҳам яхшилаб қайнатиб, пўстидан ажратиб олгандан кейин ҳам бир қайнатиб олиб тановул қилиш тавсия этилади. Бир сўз билан айтганда, чорва ҳамда парранда маҳсулотларини яхшилаб пишириш лозим.

САВОЛ:

— **Ҳайвонларнинг ҳаётини яхшилаш бўйича аҳоли ўртасида турли қарама-қарши фикрлар билдирилади. Кўпчилик улар турли касалликлар тарқатишидан ташвишланади. Турли хил касалликларга қарши эмланган соғлом ит ва мушукни қаердан харид қилиш мумкин, махсус жой ташкил этилганми?**

ЖАВОБ:

— Бизга ҳам кўпинча шу каби ҳайвонларни уйда боқишни хоҳловчилар мурожаат қилишади. Шу нарсани маълумот ўрнида айтиб ўтмоқчиман. Қўмита томонидан 2020 йилгача ит, мушук ва бошқа ҳайвонларнинг онлайн электрон аукцион савдоси йўлга қўйилди, хоҳловчилар интернетдаги махсус сайтимиз орқали бемалол ўзларига ёққан ҳайвонни сотиб олиши мумкин бўлади.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

АМАЛИЙ ИШЛАР ПАРТИЯНИНГ ЮЗИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг пленуми танқидий руҳда ўтди.

— Ҳаёт партия аъзолари ҳамда депутатлардан ташаббускорлик билан иш олиб боришни талаб қилмоқда, — деди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Меҳроҳ Дархонов**. — Аммо сусткашликка йўл қўйилаётган ҳолатлар ҳамон кузатишмоқда. Бугунги кунга қадар фаолиятини тўғри йўлга қўя олмаган 4 нафар туман кенгаши раисларига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди. Самарасиз фаолият кўрсатаётган 10 та бошланғич ташкилот фаолияти танқидий кўриб чиқилиб, бирлаштириб юборилди. Партия билан алоқасини ўзиб қўйган 10 дан ортиқ кўйи ташкилот билан қайта алоқа ўрнатилди.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан ўтган йилнинг 12 июлидан буён жами 514 та депутатлик сўрови юборилган бўлиб, 489 таси ижобий ҳал этилган. Қолганлари назоратда турибди.

Яна бир оғрикли нуқтамиз ҳақида айтиб ўтишни жоиз, деб биламан. Кўпинча партия ташкилотлари ўтказаятган тадбирларда жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган хотин-қизлар жалб қилинаётганига гувоҳ бўляпмиз. Бу яхши, албатта. Аммо ишсиз, фарзанд тарбияси билан банд бўлган аёлларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Олий ўқув юртилари ёки касб-ҳунар коллежларини тамомлаб, ишга жойлаша олмаётган опа-сингилларимизга амалий ёрдам кўрсатиш бизнинг вазифамиз эмасми аслида?..

Ешлар билан ҳам етарли даражада алоқа ўрнатмаганмиз. Акс ҳолда 937 маҳаллада амалга оширилган жиноятда ёшлар иштироки кузатилмасди. Бу Тошкент вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қанотининг етарли даражада фаолият олиб бормаганидан, деб ўйлайман. Улар ўтказаятган тадбирларнинг амалий, тасвирчанлиги юқори бўлганда, бу ҳолатга тушиб қолмасдик.

— Тошкент вилоятида ногиронлиги бўлган 17 минг нафардан ортиқ киши истиқомат қилади, — деди **Тошкент вилоят ногиронлар жамияти раиси Йўлдош Ёқубжонов**. — Шундан 4229 нафари биринчи гуруҳ, 32931 нафари иккинчи гуруҳ, 7442 нафари эса учинчи гуруҳ ногиронлари ҳисобланади. Уларнинг орасида ногирон фарзандига гомхўрлик қилиб ишлай олмаган ёки меҳнат фаолиятида узилиш бўлган оналар ҳам бор. Улар вақти келиб нафақага чиқишга қийналишаётганини билдиришмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бу борадаги тегишли қарорини ўргандик. Қарор бундай оналарнинг нафақага чиқишга асос бўлар экан, аммо унинг нуҳаси ҳаммага ҳам берилмас экан. Депутат сўрови юбориб, қарор нуҳасини олсак, вилоятимизнинг барча туман пенсия жағғармаси бўлимлари тарқатсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Тўғри, бу жуда кичик, аҳамиятсиз муаммодек туюлиши мумкин. Аммо ногиронлиги бўлган фарзанднинг парварishi билан банд она кўп вақтини кўчада, мутасадди ташкилотлар эшиги олдида ўтказа олмайди.

Пленумда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Махлиё АЛИҚУЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар ижроси сиёсий партиялар ва депутатлик бирлашмаларини фаол ишлашга ундамоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши бундай талаб ва эҳтиёжларга мувофиқ Ногиронлар, Кўзи оғирлар ва Карлар жамиятлари ҳамда «Нуроний» жағғармаси билан ҳамкорлик меморандумларини имзолаган. Бу ҳужжатлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашда ҳамкор ташкилотлар билан ишлаб чиқилган дастурлар ижросини таъминлаш ва уларнинг ечимларига асосланади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши ўтказган очик мулоқот маъруз масалалар ижросига қаратилди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига қўмак бериш, муаммоларини ҳал этиш савоб ишларнинг энг улуғи ҳисобланади. Айниқса, бугунги кунда бу қатлам вакиллари давлат ҳимоясида бўлиб, пенсиялар ва имтиёзлар бўйича қўнун ҳужжатлари қоидалари ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назорати ҳам ўрнатилган. Бу каби ўрганиш ва мулоқотлар натижасида ўтган йили Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан пенсионерлар ва ногирон кексаларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга оид 56 масала депутатлик гуруҳларида, 48 масала доимий комиссияларда, 41 масала сессияларда кўриб чиқилди.

Ушбу очик мулоқот Ногиронлар, Кўзи оғирлар ва Карлар жамиятлари ҳамда «Нуроний» жағғармаси масъуллари билан бу борадаги муаммоларни ҳал этишда қўлай имконият яратди. Унда режалар бўйича бажарилган ишлар сарҳисоб қилиниб, мавжуд муаммолар ечимига доир чора-тадбирлар қўрилди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎзА мухбири.

«Агробанк» АТБ жамоаси банк ходими Мансуржон Жалиловга падари бузуқвору
РАВШАНЖОН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ КУРКАЗИДА

БИЗ ШУ КУНГАЧА ГУВОҲИ БЎЛМАГАН

онлайн электрон аукцион савдоси йўлга қўйилади

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси ҳамда соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва галдаги устувор вазифаларга бағишланган матбуот анжумани Давлат ветеринария қўмитаси томонидан ташкил этилди.

— Давлатимиз раҳбарининг ушбу фармони соҳа фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлди, — дейди **Давлат ветеринария қўмитаси раиси ўринбосари Абдор Аббаров**. — Хусусан, 20 га яқин ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрлари янгида ишлаб чиқилди. Турли касалликларга қарши курашиш бўйича 30 дан ортиқ йўриқномаларга тегишли ўзгаришлар киритилди. Шунингдек, аҳолига ветеринария сервис хизматлари кўрсатиш сифати ва тезкорлигини янада ошириш борасида аҳоли тарққ жойлашган ҳудудлардаги ветеринария участкаларига 190 мотоцикл, 220 велосипед, 500 пуркагич, 400 термосумкалар, 240 дьюар идишлари етказиб берилди. Ветеринария-санитария экспертиза ҳамда ветеринария лабораториялари замонавий таҳлил усулларида ташхисловчи лаборатория устанолари билан таъминланди. Бу ташхис қўйишга кирадиган вақтни қисқартириб, тезкорлигини оширмоқда.

Жойларда эпизоотик мониторинг ишлари самарасини янада оширишда ҳудудий ветеринария бошқармаларининг 6 эпизоотик кўмак берувчи пункти ташкил этилиб, улар 210 минг АҚШ долларини миқдоридида жиҳозлар ва автотранспорт воситалари билан таъминланди. Ветеринария мутахассисларини тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш мақсадида Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институти ветеринария факультети базасида ўқув маркази ташкил этилиб, қиймати 100 минг АҚШ долларини замонавий инновацион технологиялар билан жиҳозланди.

Бундан ташқари, ҳайвонлар ва чорва молларини турли касалликларга қарши эмлаш тадбирлари ташкил этилган ва ўтган давр мобайнида 29 миллион бош чорва моли 8 турдаги ва 65 миллион бош парранда 4 турдаги касалликка қарши профилактик эмланган. Шунингдек, 860 мингга яқин чорвачилик субъектлари ва аҳоли хонадонларидаги ҳайвонлар сақланадиган жойларда дезинфекция тадбирлари ҳам ўтказилган.



Республикамизга кириб келган ҳамда транзит орқали ўтаётган 55 мингдан ортиқ автомашини ва 2,8 мингга яқин темир йўл вағони дезинфекция ишловидан ўтказилиб, зарарсизлантирилган. Шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида лаборатория текширувлари натижасида истеъмолга яроқсиз деб топилган 122 тонна гўшт, 147 тонна сут маҳсулотлари ва 2 миллион 200 минг донадан ортиқ тухум ўрнатилган тартибда зарарсизлантирилди.

Соҳада халқаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Халқаро эпизоотик бюро ўртасида ветеринария соҳасида ҳамкорлик қилиш

бўйича келишув имзоланди. Шунингдек, АҚШнинг «Биология соҳасидаги ҳамкорлик» дастури доирасида Бухоро ва Хоразм вилоятларида энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган ҳудудий диагностика лабораториялари ташкил этилиб, фойдаланишга топширилди.

САВОЛ:

— **Бугунги кунда истеъмолчилар томонидан харид қилинган гўшт ва сут маҳсулотларининг сифати борасида эътирозлар бўлиб туради. Савдога чиқарилаётган гўшт ва сут маҳсулотларининг сифатини назорат қилиш борасида қўмита томонидан қандай ишлар қилинмоқда?**

